

МИЛЛИЙ ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИДА — ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИ

Олимов Шерали

Қарши Давлат Университети "Чолғу ижрочилиги" йўналиши  
2-курс магистранти.

**Аннотация.** Мақолада бўлажак чолғу ижрочилиги ўқитувчиларини педагогик маҳоратини шакллантиришнинг замонавий усуллари, шунингдек учун ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини қўллаш, глобал таълим жараёнларида фаол иштирок этиш, ҳамда ўқитувчи ва талабалар олдидан турган сунъий тўсиқларни бартараф этиш таълим тизимини ислоҳ қилиш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** чолғу ижрочилиги ўқитувчилари, Болония жараёни Махсус (ижрочилик) дарслари, шахсий компетентлик.

Мамлакатимизда таълимни ривожлантириш ишлари умуммиллий мақсадга айланди. Инсон капиталига сармоя киритиш, таълимни ислоҳ қилиш, ўсиб келаётган авлодни жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар этиб устувор аҳамият қаратилмоқда. Бунинг ифодасини соҳада замонавий педагогик технологиялар, ривожланган давлатлар тажрибаси кенг қўлланаётгани, таълим жараёни инновацион ёндашувлар асосида олиб борилаётгани, ахборот-коммуникация технологиялари, халқаро миқёсда ҳам таълим ва тажриба алмашув жараёни изчил ривожланиб бораётгани каби истиқболли одимларда яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда жамиятда амалга оширилаётган ислоҳатлар талабларига тўла жавоб берувчи, маданият ва санъат таълимида юзага келган рақобатга бардошли, илмий ва ижодий ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз миллий маданият ва санъатни ривожлантириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашда олий ва профессионал таълим муассасаларда бўлажак чолғу ижрочилиги ўқитувчиларида ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш ҳамда касбий компетенцияларини ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Маълумки, таълим-тарбия жараёни орқали ўқувчиларда таянч компетенциялар, жумладан, коммуникатив, ахборот билан ишлай олиш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, умуммаданий компетенциялар, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини таркиб топтириш вазифаси юклатилган.

Республикамизда маданият ва санъат йўналишида таълим тизими ривожланишининг ҳозирги босқичи таълим мазмуни ва методикасига, унинг самарадорлигини оширишга сифат жиҳатдан янги талаблар қўймоқда.

Шу билан бир қаторда, чолғу ижрочилиги ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини оширишда касбий компетенцияларни шакллантиришга оид ёндашувларни жадаллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Олий таълим муассасалардаги чолғу ижрочилиги йўналиши битирувчисининг касбий муаммоларни ҳал қилишга юқори даражада тайёр бўлишининг зарурий шарти унинг муסיқий ва педагогик маҳоратини шакллантиришдир.

Ҳозирги вақтда жамиятнинг маънавий маданиятини ривожлантириш муаммоси айниқса долзарб бўлиб, шу муносабат билан мактабнинг шахснинг маънавий салоҳиятини очиб беришнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида санъатга мурожаат қилиш зарурати аниқ.

Талабаларнинг гўзаллик туйғусини ривожлантириш, соғлом бадиий дидни шакллантириш, санъат асарларини тўғри тушуниш ва қадрлаш қобилиятига кўпроқ эътибор бериш керак.

Олий таълимда бўлажак чолғу ижрочилиги ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш зарурати бир қатор ижтимоий, иқтисодий, психологик ва педагогик омиллар билан белгиланади.

Кўпгина тадқиқотчилар ушбу муаммони таълимни инсонпарварлаштириш нафақат мутахассисларни, балки ўз-ўзини билиш, касбий такомиллаштириш ва ижодий ўзини англаш истаги бўлган ижодий шахсларни тайёрлашни белгилайди.

Шуни таъкидлаш керакки, бўлажак чолғу ижрочилиги ўқитувчисининг касбий тайёргарлигини ташкил этиш, келажакдаги педагогик фаолиятининг таркибий қисмларининг бутун мажмуасини ҳали тўлиқ акс эттирмайди, унинг моҳияти муסיқа санъати ва педагогикасини сингдиришдир.

Олий ўқув юртларида чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича бўлажак ўқитувчиларини тайёрлаш тизими бир қатор мураккаб таркибий қисмларни (умумий педагогик, муסיқий-назарий, услубий, дирижёрлик, вокал-хор, инструментал машғулотлар) ўз ичига олганлиги сабабли, асарларнинг аксарияти касбий тайёргарликнинг индивидуал масалаларини ўрганишга бағишланган.

Махсус (ижрочилик) дарслари кўпинча педагогикадан алоҳида ҳисобланади. Шу билан бирга, педагогика фанининг замонавий даражаси бўлажак чолғу ижрочилиги ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги жараёнининг индивидуал жиҳатларини уларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлигида ўрганишга интегратив ёндашув зарурлиги тўғрисида гапиришга асос беради.

Бу борада компетенциявий ёндашув асосида бўлажак чолғу ижрочилиги ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда

компетенциявий ёндашув асосида битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали ижодий таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг замонавий методик таъминотини яратиш, таълим оловчиларда касбий фаолият соҳаларига йўналтирилган креативлик қобилиятларини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади.

**Болония жараёнига ёндашишдан кутилаётган натижалар:** Дунёдаги энг илғор мамлакатлар билан тажриба алмашиш, глобал таълим жараёнларида фаол иштирок этиш, ҳамда ўқитувчи ва талабалар олдида турган сунъий тўсиқларни бартараф этиш таълим тизимини ислоҳ қилишда муҳим аҳамиятга эга. Таълим тизимини такомиллаштириш ва сифат даражасини ошириш мақсадига эришишнинг самарали йўлларида бири Болония жараёнига кўшилишдир. Зеро ёпиқ шароитларда таълимни ривожлантириб бўлмаслигини кўплаб мамлакатларнинг тажрибасидан билиб олиш мумкин.

Болония жараёни — Европа мамлакатлари орасида олий таълимни уйғунлаштириш жараёнидир. Бу тушуниш осон бўлган ва ўхшаш даражалар (малакалар) тизимини яратишини, таълимнинг кредит тизимига ўтишини, таълимнинг сифатини таъминлашда эркин академик ҳаракатланишни ва Европадаги таълим ҳамкорлигини ўз ичига олади.

Болония жараёнининг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) талабаларнинг ҳаракатчанлигига йўналтирилганлик;
- 2) иш билан таъминлаш;
- 3) таълим тизими рақобатбардошлигини ошириш.

Хорижий экспертлар Болония жараёни доирасидаги ислоҳатларнинг олтин қоида сифатида Европа олий таълимининг икки босқичлилигини жорий қилиш (бакалавр – магистр), ECTS-Европа кредит тизими (синов бирликларини кўчириш ва йиғиб бориш)ни қўллаш, аккредитациянинг адекват муолажаларини яратиш, дипломларга иловалардан фойдаланишни қайд этиб ўтадилар. Яъни 2010 йилга келиб, академик ва касб дипломлари, даражалар ва малакаларга конвергентлик, солиштиришлик, қарама-қарши қўйишлик ва кўринувчанликнинг зарурий чорасини кўриш, бу орқали олий таълимнинг умумий маконини яратиш назарда тутилган.

Шу билан биргаликда Европа модели таълимнинг ягона тўғри модели эмаслигини, унга эргашиш бу моделни қабул қилган мамлакат олий таълими 2010 йилга келиб ўз-ўзидан оптимал ривожланишини таъминламаслиги қайд этиб ўтиш керак. Ҳар бир мамлакат Болония жараёнига аъзо бўлиш мавзусини кўтариш ва муҳокама қилишда энг аввало, миллий ва давлат манфаатларидан келиб чиқиши керак: ўз иқтисодиёти имкониятлари, интеллектуал, гуманитар ва илмий салоҳияти, жамиятнинг миллий олий таълим тизимини интеграциялашуви ғоясини қабул қилишга тайёрлиги.

Бир томондан, Ўзбекистон олий таълимини Европа таълим маконига интеграциялашувига ва Болония жараёнига қўшилишига эҳтиёткорлик билан етти ўлчаб бир кесган ҳолда муносабатда бўлиш зарурияти туғилади.

Иккинчи томондан, глобаллашув – барчага тегишли тенденция, олий мактабни ислоҳ қилиш эса бу глобал жараёнларнинг бир қисмидир, бу жараёнларни жамият фикрини ҳисобга олмасдан ва уларнинг розилигисиз қабул қилиш ҳам тўғри бўлавермайди. Ислоҳатлар, интеграция – бу узоқ давом этадиган жараён, ҳар ҳолда у юқоридан ҳал етилмайди.

Стратегия нуқтаи назаридан, умумевропа жараёнлари ташқи кўринишидан жуда жозибадор. Аммо мантиқан ўйлаб қараганда, конкрет давлатнинг ички тактикаси олий таълимнинг европача ислоҳатлари жараёнига аста-секин кириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон олий таълим тизимининг халқаро, жумладан, Европа таълим маконига интеграциялашуви муаммоси ўз муқобилига эга эмас, бироқ бу икки томонлама жараён бўлиб, уни амалга ошириш турли ёндашувлардан фойдаланишни назарда тутаяди. Табиийки, интеграциянинг ўз тарафдорлари ва унга қаршилар мавжуд бўлади. Тарафдорлар учун Болония жараёни маданиятни такомиллаштириш, олий мактаб сифатини оширишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Сир эмаски, Ўзбекистонда олий таълимнинг юқори суръатларда тижоратлашуви, таълим хизматлари бозорида кўп сонли тижорий ва нодавлат олийгоҳларининг пайдо бўлиши, шунингдек, бошқа ижтимоий омиллар таҳликали тенденциянинг вужудга келишига – олий таълим сифатининг пасайиб кетишига, бир қатор олий ўқув юртлари дипломларининг қадрининг тушишига олиб келади. Бошқалар учун бу муаммони салбий қабул қилиниши Болония жараёнига қўшилишнинг Ўзбекистонга, ҳар бир олийгоҳга, алоҳида олинган талабага нима беришининг миллий таҳлиliga прагматик ёндашув билан тавсифланади. Бундай ёндашув олий мактаб миллий давлат тизими рақобатбардошлиги салоҳиятини ошириб кўрсатишни минималлаштиришни назарда тутаяди.

Болония жараёни мақсадлари – рақобатбардошлик, ҳаракатчанлик ва сифат – суверен Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб беради. Ижтимоий тадқиқотлар таълим муассасаларининг умумий муаммоларини аниқлаштириш билан бир қаторда бош масалани – ўқитувчиларнинг замонавий таълим муаммоларини кўра олиши, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларини жорий қилиш асосида уни сифат жиҳатдан ривожлантиришни ўрганишга қаратилган.

Кредит технологиясининг хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаштириш, кредит технологиясига “кириб бориш”нинг энг мақбул шароитларни тайёрлаш бўйича умумий шарт-шароитларни белгилаш ва ҳар бир ўқитувчининг мажбуриятларини аниқлаш мақсадида ўрнатилган кўринишда

университетнинг ҳар бир ўқитувчисини “синов” топшириши зарурияти ҳам мавжуд.

Ўқитишнинг кредит технологияси бўйича ўқув жараёни давомида қатор университетларда бакалаврлар ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашни яхшилашнинг энг мақбул йўллари таҳлил қилиш ва қидириш ишлари давом этмоқда.

**Бўлажак чолғу ижрочилиги ўқитувчиларининг шахсий компетентлигини оширишнинг мазмуни ва моҳияти**

Ҳозирги кунда илмий-техник тараққиётнинг шиддат билан ривожланиши, билимларнинг тезлик билан янгиланиши бўлажак мутахассисларнинг замонавий шароитларга тез мослашиши ҳамда ўқув билиш мотивларини эгаллашларига интилишини талаб этади.

Бу эса бўлажак чолғу ижрочилиги ўқитувчиларини мустақил изланишга, касбий муаммоларни мустақил ечиш, унга ижодий ёндошишга ўргатиш заруриятини туғдиради.

Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ижодкор, креатив фикрловчи мутахассисларни тайёрлаш жараёни узлуксиз таълим тизимининг энг асосий вазифаларидан бўлиб, бунда компетенциявий ёндашув асосида бўлажак чолғу ижрочилиги ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда ўқитишнинг замонавий усул, шакл, метод ва воситалари, дидактик ўйин технологиялари, муаммоли вазиятли топшириқлар ҳамда мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари таълим сифат самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Соҳага оид илмий манбаларнинг таҳлиллари, қўлланилаётган ёндашувларни эътиборга олган ҳолда талабаларнинг бўлажак педагогик фаолиятга оид касбий компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари сифатида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

талабаларнинг академик тайёргарлик жараёнини касбий фаолиятга яқинлаштириш, яъни амалиётга йўналтирилган ўрганиш жараёнини мавжудлиги;

талабаларнинг кўرғазма, танлов, конференция, фестивал ҳамда бошқа маданий тадбирларда иштирок этиши;

бўлажак чолғу ижрочилиги ўқитувчисини тайёрлашда креатив технологиялардан фойдаланиш (ижодий лойиҳалаш, рақобатбардош технология, шахсий ютуқлар портфолиоси, маҳорат дарслари, кўрғазмали технологиялар);

касбий фаолиятнинг рағбатлантирувчи, когнитив, амалий, шахсий психологик таркибий қисмларини шаклланиши ва ривожланишига қаратилган таълим-тарбия жараёни;

талабаларнинг касбий тайёргарлигини оширишда муҳим рол ўйнайдиган фанларни бир-бирини тўлдириш, мақсад, вазифа ва талаблар бирлиги, фанлараро алоқалар асосида таълим мазмунини яратиш.

Шунингдек, ушбу бобда компетенциявий ёндашув асосида бўлажак чолғу ижрочилиги ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш муаммосинига бир қадар ечим бўла олади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

1. Ҳошимов К., Нишонова С. ва бошқ. «Педагогика тарихи». – Т: Ўқитувчи, 1996 й.
2. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004 н.
3. Назарова Б.А. Бўлажак ўқитувчиларда креатив ёндашув асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялаш: Раҳимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчиларда касбий маданият муносабатларининг шаклланиши. пед. фан. номз. дисс. Т.: 2005. – 161 б.
4. Шарипова. Г. Муסיқа ўқитиш методикаси.-Т.: 2000 й.